



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Хайдаров Ўқтам Ўткирович

Бизнес Va Тадбиркорлик Олий Мактаби

Миллий молия бозорининг иқтисодиётдаги аҳамиятини ошириш муаммоси иқтисодиётни модернизациялаш, барқарор индустрисал ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш мақсадида инвестицияларни жалб қилиш зарурлигидан келиб чиқади. Ушбу муаммони самарали ечими молия бозорининг рақобатбардошлилиги ва ҳавфсизлиги, барқарорлиги ва ликвидлилиги, инвесторлар учун жозибадорлиги ва рисксизлиги даражасини таъминлаш билан узвий боғлиқ. Бунда турли ташқи ва фундаментал ички омиллар таъсирини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонида “...дастлабки босқичда, 4,5 млрд АҚШ долларлик 33 та инвестиция лойиҳасини хусусий инвесторларни жалб қилиш орқали амалга ошириш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 2021 йилга нисбатан 1,5 баробарга оширишни назарда тутиш. АҚШ молиявий корпорациялари ва салоҳиятли инвесторлари сармояларини республикада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларга жалб қилиш. алқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси (DFC) билан ҳамкорликда Марказий Осиё ривожланиш фондини йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни молиялаштириш”²⁴² каби вазифалар белгиланган.

Акциялар унинг муассасалари ўртасида тарқатилган тақдирда, акциядорлик жамиятининг дастлабки устав сармояси миқдори акциялар чиқариш йўли қўпайтирилган тақдирда, юридик шахслар, давлат томонидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан заём сармояси облигатсиялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан жалб етилган тақдирда, корхоналарнинг қарз мажбуриятлари ўзаро умумреспублика қўламида тўланган тақдирда амалга оширилади. Қимматли қоғозларни чиқарувчи емитент, шунингдек у билан келишиб туриб қимматли қоғозларни дастлабки егаларига сотувчи инвеститсия муассасалари ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид етиш пайтига қадар сотиш шартлари ва емиссия рисоласи билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт. Эмиссия рисоласи емитент тўғрисидаги, сотишга ҳавола етилаётган қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотларни акс еттиради.

²⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон [Фармони](#) 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида.



Давлат корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилганда емиссия рисоласини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Капитал бозори агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда амалга оширилади. Эмиссия рисоласини чиқариш, уни рўйхатга олиш тартибини, шунингдек емиссия рисоласида еълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси белгилайди. Банклар учун уларнинг емиссия рисолаларида қамраб олиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда белгилайди.

Очиқ ёзилиш учун ҳавола етилаётган қимматли қоғозларнинг емиссия рисоласини емитент Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига тақдим етади ва у рўйхатга олингандан сўнг, мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошланишидан камида ўн кун олдин матбуотда, шунингдек фонд биржасининг маҳсус нашрида албатта еълон қилиниши керак. Очиқ сотувга ҳавола етилаётган акцияларни корхоналарнинг облигатсияларини чиқаришга оид ахборотларда бирон -бир ўзгаришлар юзага келган ҳолларда қимматли қоғозларни чиқарувчи емитент содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошлангунига қадар еълон қилмоғи керак. Акциялар, корхоналарнинг облигатсияларини чиқаришга оид еълон қилинган ахборотдаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига бу қимматли қоғозларни чиқарувчи емитент мазкур ахборотга тегишли ўзгартишлар киритмагунига қадар уларнинг тарқатилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига ега. Эмиссияни рўйхатга олиш учун тақдим етиладиган емиссия рисоласидаги маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик емитентнинг зиммасида бўлади. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги емиссия рисолалари рўйхатга олинмагунига қадар қимматли қоғозларни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш тақиқланади. Йилнинг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечикмай еълон қилинади ҳамда егаси ёзилган акциядорларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юборилади. Йиллик ҳисоботда емитент тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

—унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот;

—молиявий аҳвол тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек олдинги йилги баланслар ва аудиторнинг ҳисботи;



–қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

– мансабдор шахслар шахсий таркибидаги ўзгартишларга доир асослар. Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда қимматли қоғозларнинг қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромадлар миқдорига таъсир етувчи ўзгаришлар, хусусан:

- қимматли қоғозларга бўлган хуқуқлар ўзгарганлиги;
- мансабдор шахслар шахсий таркибида ўзгаришлар рўй берганлиги; оемитентнинг банқдаги счёtlари хатланганлиги;
- соғломлаштириш (емитентнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш) ҳаракатлари бошланганлиги;
- емитент фаолияти қайта ташкил етилганлиги, тўхтатиб қўйилганлиги ёки тугатилганлиги;
- фавқулодда ҳолатлар оқибатида емитент мол-мулкининг камида 10 фоизи нобуд бўлганлиги;
- емитент мол-мулкининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда емитентга нисбатан даъво қўзғатилганлиги.

Устав фонди ёки емитент асосий ва муомаладаги маблағлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ миқдорда қарз олинганлиги ёки қимматли қоғозлар емиссия қилинганлиги тўғрисидаги ахборотларни икки кун ичida Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юбориши, шунингдек мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни еълон қилиши шарт. Башарти емитент акциялари фонд биржасида муомалада юрса, у мазкур ахборотларни биржага қўрсатилган муддатда тақдим етиши шарт. Эмитент ўзи ҳақида қимматли қоғозлар қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромад миқдорига таъсир етиши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар еълон қилинган тақдирда беш иш куни мобайнида бу маълумотларни тузатиш чораларини кўриши шарт²⁴³.

Юқоридагиларнинг хар бирида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси емиссияларнинг минимал ва максимал миқдорларини белгилаб беради.

Қимматли қоғозлар емиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш чоғида емитент емиссия номинал қийматининг 0,1 фоизи миқдорида республика бюджетига йифим тўлайди. Давлат корхоналари акциядорлар жамиятларига айлантирилганида бирламчи емиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлик учун йифим олинмайди.

²⁴³ Mamlakatimizni yangilash va modernizatsiya qilish sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda soliq tizimining rolini oshirish masalalari. Respublika ilmiy amaliy anjumani materiallari.-T.: TDIU, 2017 yil.



Инвеститсия компаниялари емитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қўйидаги шартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:

- кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд етилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари;
- чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиrolмай қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвеститсия компаниялари ва молия брокерлари тарқатолмай қолган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб қимматли қоғозларни емитент номидан чет инвесторларга сотиш тўғрисида емитент билан дистрибутер шартномалари тузишлари мумкин.

Дивиденд - бу акционерларнинг пул даромади ҳисобланади ва ўз маблағларини акциясига жалб килган компаниянинг ижобий ишлаётганлиги тўғрисида маълум бир даражада хабар бериб туради. Ҳисобот даврининг фойдасини таксимлашнинг соддалаштирилган йўналишларини қўйидагича тасвирилаш мумкин:

- фойданинг бир қисми дивиденлар кўринишида тўланади;
- қолган қисми еса компаниянинг активларига қайта инвеститсияланади.

Фойданинг қайта инвеститсия қилинган қисми компаниянинг фаолиятини молиялаштиришнинг ички манбаси ҳисобланади, шундан кўриниб турибдики, дивиденд сиёсати компания томонидан жалб қилинаётган молиялаштиришнинг ташқи манбалари миқдорига маълум даражада таъсир қиласи.

Дивиденд - акция егаси оладиган даромад тури. Бироқ у жиддий техник кўрсаткич ҳам ҳисобланади, яъни унинг ёрдамида бошқа миқдорлар, шу жумладан, акцияларнинг нархлари ҳисоблаб чиқиласи. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатувчи кўплаб таҳлилий агентликлар қайси акциядорлик жамиятлар реал дивиденд тўловларини амалга ошираётганлиги ҳақидаги ахборот материалларини даврий равишда чоп етиб боришади. Бунда қимматли қоғозларнинг реал даромад келтириш миқдорлари таҳлил қилинади. Олинган рақамлар анча узоқ вақт мобайнида компания молиявий аҳволининг индикатори ҳисобланали. Бундан ташқари, турли хилдаги рейтингларни тузиш, одатда, ташқи мезонларга асосланади ва дивидеид ставкаси ана шундай мезонлардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/671/0093-сон.



18. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2021-й., 03/21/689/0395-сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.

20. Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 913-XII-сон Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 30-июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сон Фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2020-й., 06/20/5968/0331-сон.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 29-декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018-йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 31.12.2017 й., №07/17/3454/0484.